

КОГНИТИВ ТИЛШУНОСЛИКДА КОНЦЕПТ ВА ТУШУНЧА ТАДҚИҚИ

Хусанов Холмухаммад Ёрмахамматович

Андижон давлат тиббиёт институти

Tel:998 99 852 19 08 e-mail

Kholmuxusanov1990g@mail.com

Аннотация:

Мақолада анъанавий структур ва когнитив тилшуносликнинг ўзига хос хусусиятлари ва илмий жиҳатлари тадқиқ этилган. Структур тилшуносликни белги мақомига эга бўлган тил бирликларининг структур таркиби, яъни конструктив жиҳатлари ва когнитив тилшуносликнинг тил ходисаларини тафаккур жараёнлари билан узвий боғлиқликлари ўрганилган. Шу жумладан мақолада структур ва когнитив тилшуносликнинг ўзига хос хусусиятлари ва илмий жиҳатлари юзасидан жаҳон когнитив тилшунослигининг кўзга кўринган йирик намоёндаларидан бир нечта тадқиқотчиларнинг фикрлари ва мулохазалари келтирилган.

Калит сўзлар:структур тилшунослик,когнитив тилшунослик, таркиб, белги, тафаккур.

Аннотация

В статье рассматриваются особенности и научные аспекты структуры традиционной и когнитивной лингвистики. Изучаются структурный состав языковых единиц, новые конструктивные аспекты и языковые явления когнитивной лингвистики, имеющие статус символа. Кроме того, статья содержит мнение и комментарии ряда видных представителей мировой когнитивной лингвистики относительно особенной и научных аспектов структурной и когнитивной лингвистики.

Ключевые слова:структурная лингвистика, когнитивная лингвистика, содержание, знак, мышление.

Annotation:

This article discusses the features and scientific aspects of the structure of traditional and cognitive linguistics. The structural composition of linguistic units, new constructive aspects and linguistic phenomena of cognitive linguistics, which have the status of a symbol, were studied. In addition, the article contains the opinions and comments of a number of prominent representatives of the world cognitive linguistics regarding the special and scientific aspects of structural and cognitive linguistics.

Keywords: structural linguistics, cognitive linguistics, content, sign, thought.

Сўнгги йилларда тил ҳақидаги фан икки катта илмий тадқиқот йўналишига ажралди: 1) анъанавий структур тилшунослик; 2) когнитив тилшунослик. Структур тилшунослик – бу тилшуносликнинг шундай бўлимики, у ўзининг илмий таҳлил предметини тил тизими ичидаги ўзаро муносабатлар ва алоқаларни тилнинг белгилар тизими эканлиги хусусиятидан келиб чиқиб, тадқиқ қилади, яъни структур тилшуносликни белги мақомига эга бўлган тил бирликларининг структур таркиби, яъни конструктив жиҳатлари, шунингдек уларнинг тил тизимидаги мақоми, ўзаро бирикиши, дистрибутив жиҳатлари каби масалаларни ўрганадиган йўналишдир.

Жаҳон когнитив тилшунослигининг кўзга кўринган йирик намоёндаларидан бири, рус олимаси Е.С.Кубрякованинг фикрича “когнитив тилшунослик тил ҳақидаги фаннинг нисбатан янги, истиқболли бир йўналиши бўлиб, унинг таҳлил марказида тил, яъни маълумотни воқелантириш ва трансформация қилиш, яъни узатишда муҳим роль ўйновчи белгилар тизимини уларнинг когнитив асоси билан узвий боғлиқликда олиб тадқиқ қилади” [1, Кубрякова, 1997, р. 52]. Бундан келиб чиқадики, когнитив тилшунослик тил ҳодисаларини тафаккур жараёнлари билан узвий боғлиқликда тадқиқ қилади, шунингдек инсон томонидан тилнинг ўрганилиш механизмлари ва концептуаллашиш ҳамда категориялашиш жараёнлари орқали бизни ўраб турган объектив борлиқ ҳақидаги билимларимизнинг таркиб топиш тамойилларини очиб берилиши, тушунтирилиши ва ёритилишига кенг имкон беради.

Когнитив тилшуносликка ўзининг муносабатини билдирар экан, рус тадқиқотчиси Л.В.Правикова шундай деб ёзади: “Агар когнитив тилшуносликка унинг пайдо бўлишига нима туртки бўлгани нуқтаи назаридан эмас, балки тил сатҳлари тизимида унинг тадқиқот предметининг ўрни нуқтаи назаридан олиб қаралса, тилшуносликнинг бу йўналиши умуман олганда тилнинг мазмуний параметрларини тадқиқ қилиш билан шуғулланади. Бу эса когнитив семантика, фазовий семантика, фрейм семантикаси каби йўналишлар бўлиб, улар ўз навбатида категориялар ва категориялаштириш, концептлар ва концептуаллаштириш, метафоралар ва метафоралаштириш, референция ва идрокий тилдаги нутқ фаолиятининг информацион аспектларини ўрганиш, мушоҳада қилиш демакдир” [2,Правикова 1999, р.37-38]. Муаллиф бу ҳақдаги ўз фикрига янада аниқлик киритиб, уни рус когнитив тилшунослигини чет элдаги бошқа турдош йўналишлардан қуйидагича фарқлайди: “Ватанимиз тилшунослигида когнитив тилшунослик ўзининг аниқ ривожланиш йўналишига эга. Агар чет эл тилшунослигида когнитив йўналиш турлича одатий семантикаларни ўрганиш билан боғлиқ ҳолда пайдо бўлган бўлса, мамлакатимизда когнитив ғоялар, бизнинг фикримизга кўра, номинация соҳасидаги изланишлар билан боғлиқ ҳолда ўртага ташланган эди. Бу назарияда тилдаги шакл ва мазмун ўртасидаги ўзаро боғлиқлик семасиологик ва ономасиологик сатҳларда олиб талқин қилинган эди” (Правикова 1999: р. 39-40). Шундай қилиб, когнитив тилшуносликда биринчи бор маъно, яъни концептуал семантиканинг шаклланиши,

ривожланиши, уни вербал воситалар орқали воқелантирилиши ва мулоқотда қўлланилиши қонуниятларини тадқиқ қилувчи истиқболли фандир.

Когнитив тилшуносликнинг мақомига, унинг предмети, методлари, мақсад ва вазифалари ҳамда тадқиқ объектига салбий муносабат билдирган олимлар ҳам йўқ эмас. Масалан, когнитив тилшуносликнинг замонавий тилшуносликка қўшган ҳиссаси ҳақида гапирар экан, В.Б.Касевич ўз таҳлилларининг хулосаси сифатида шундай дейди: “бу соҳада ишлаб чиқилган тилга ёндашишлар ва уларнинг натижалари тилшуносликни бойитган билан, улар тадқиқотнинг на янги объекти (тўғрироғи, предмети)ни, на янги методи яратади, шунинг учун ҳам “когнитив лингвистика” йўқ деб айтиш тўғри бўларди, чунки когнитив бўлмаган (психо)лингвистиканинг ўзи йўқ-да” [3,Касевич 1998: р. 20).

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Е.С.Кубрякова,(Слово на перекрестке когнезии и коммуникации. 1997, 52).
2. Л.В.Правикова, (Когнитивная и когита-тивная лингвистика // Вестник Пятигорского государственного университета. 1999: 37-38)
3. В.Б.Касевич, (О когнитивной лингвистике // Общее языкознание и теория грамматики. Материалы чтений, посвященных 90-летию со дня рождения С.Д.Кацнельсона. - СПб: Наука,1998: р.20)